

ISSN 2181-2357

XALQARO NAZARIY VA AMALIY TADQIQOTLAR  
JURNALI

# INTERNATIONAL JOURNAL OF THEORETICAL AND PRACTICAL RESEARCH

JURNAL FARG'ONA POLITEXNIKA  
INSTITUTI HAMKORLIGIDA NASHR  
ETILADI

**VOLUME 3,**  
**Issue 3**  
**2023**





«Al-Ferganus» MChJ.

A. M. Abdullayev

«Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali»

Ilmiy jurnal.

2021 yil noyabrdan beri nashr etilmoqda.

Oyiga bir marta nashr etiladi. 16+

3-tom, 3 -son.

Mart 2023 y.

**Tahririyat kengashi raisi Salomov O'ktam Raximovich, FarPI rektori**

**Bosh muharrir K. I. Kurpayanidi**

**Tahririyat hay'ati:** A.M.Abdullaev, M.S.Ashurov, E.A.Mo'minova, K.X.Abduraxmonov, A.N.Asaul, A.V.Burkov, U.V.G'ofurov, M.A.Ikromov, D.Kudbiev, E.S.Margianiti, B.Obrenovich, L.NA Sultonov, L.NA. , A.Xasanov, Sh.T.Karimov, Sh.Sh.Salixanova, U.K.Alimov, S.M.Turabdjano, B.A.Alimatov, R.J.Tozhiyev, A.A.Risqulov, B.M.Tursunov, S. F. Ergashev, J.D.Axmedov, Kh.A. Akramov, M.X. Xakimov, Sh.M. Iskandarova, Z.M. Sobirova, A.M. Muxtarova, L.M. Babakhodjaeva..

*Tahririyat manzili:* 150107

Farg'ona shahri, Farg'ona ko'chasi, 86 -  
uy

Тел. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: [alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



IF(Impact Factor) **9.88 /2022**  
<http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357>



TOGETHER WE REACH THE GOAL  
**SJIF 2023: 5,971**  
<http://sjifactor.com/passport.php?id=21994>

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti administratsiyasi huzuridagi axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligida ro'yxatga olingan.

Ro'yxatga olish № 1189 Berilgan sanasi: 17-06-2021.

Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali Crossref, OpenAIRE, Google Scholar bazalariga kiritilgan.

*Impact-faktor 2021 Evaluation Pending*



CC litsenziyasi turi: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

Jurnal jahon va mintaqaviy darajada fan va amaliyotning rivojlanish masalalariga bag'ishlangan.

Jurnal olimlar, o'qituvchilar, doktorantlar, talabalar uchun mo'ljallangan.

Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali.

2023. T.3. №3.

ISSN 2181-2357



9 772181 235007 >

© «Al-Ferganus» MCHJ,  
2023 Farg'ona, O'zbekiston





«Al-Ferganus» LLC.  
A. M. Abdullaev  
“International journal of theoretical and practical research”  
Scientific Journal.  
Published since November 2021.  
Schedule: monthly. 16+

Volume 3, Issue 3

March, 2023.

**Chairman of the Editorial Board Salomov Uktam Rakhimovich, rector of FerPI**


**Editor-in-chief K. I. Kurpayanidi**

**Editorial Board:** A. M. Abdullaev, M. S. Ashurov, E. A. Muminova, K. Kh. Abdurakhmanov, A. N. Asaul, A. V. Burkov, U. V. Gafurov, M. A. Ikramov, D. Kudbiev, E. S. Margianiti, B. Obrenovich, L. Ivars, K. E. Onarkulov, N. A. Sultanov, A. Khasanov, Sh. T. Karimov, Sh. Sh. Khamdamova, D. S. Salikhanova, U.K. Alimov, S.M. Turabdzhonov, B.A.Alimatov, R.Zh. Tozhiev, A.A. Riskulov, B.M. Tursunov, A.A. Shermukhamedov, S. F. Ergashev, J.D.Akhmedov, Kh.A. Akramov, M.Kh. Khakimov, Sh.M. Iskandarova, Z.M. Sobirova, A.M. Mukhtarova, L.M. Babakhodzhaeva.

Address of the editorial office:  
150107  
Fergana city, Fergana str., 86.  
Phone +998971003888  
<https://alferganus.uz/en/site/index>  
E-mail:  
[alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



IF(Impact Factor) **9.88 / 2022**  
<http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357>



TOGETHER WE REACH THE GOAL  
**SJIF 2023: 5,971**  
<http://sjifactor.com/passport.php?id=21994>

Registered with the Agency of Information and Mass Communications under the Administration of the President of the Republic of Uzbekistan.  
Registration No. 1189 dated 17-06-2021.

The journal "International Journal of Theoretical and Practical Research" is included Crossref, OpenAIRE, Google Scholar.

*Impact-factor 2021 Evaluation Pending*



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

The Journal addresses issues of global and regional Science and Practice. For scientists, teachers, doctoral students, students.

(2022). International journal of theoretical and practical research, 3(3).



© LLC «Al-Ferganus»,  
2023, Fergana, Uzbekistan



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



«Al-Ferganus» ООО.

А. М. Абдуллаев

«Международный журнал теоретических и практических исследований»

Научный журнал.

Издается с ноября 2021 г.

Выходит один раз в месяц. 16+

Том 3, Номер 3.

Март 2023 г.

**Председатель редакционного совета Саломов Уктам Рахимович, ректор ФерПИ**

**Главный редактор К. И. Курпаяниди**

**Редакционная коллегия:** А.М.Абдуллаев, М.С.Ашуров, Э.А.Муминова, К.Х.Абдурахманов, А.Н.Асаул, А.В.Бурков, У.В.Гафуров, М.А.Икрамов, Д.Кудбиев, Э.С.Маргианити, Б.Обренович, Л.Иварс, К.Э.Онаркулов, Н.А.Султанов, А.Хасанов, Ш.Т.Каримов, Ш.Ш.Хамдамова, Д.С.Салиханова, У.К.Алимов, С.М.Турабджанов, Б.А.Алиматов, Р.Ж.Тожиев, А.А.Рискулов, Б.М.Турсунов, А.А.Шермухамедов, С.Ф.Эргашев, Ж.Д.Ахмедов, Х.А.Акрамов, М.Х.Хахимов, Ш.М.Искандарова, З.М.Собирова, А.М.Мухтарова, Л.М.Бабаходжаева.

Адрес редакции: 150107

г. Фергана, ул. Ферганская, 86

Тел. +998971003888

<https://alferganus.uz/en/site/index>

E-mail: [alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)



IF(Impact Factor) **9.88 /2022**

[http://journalseeker.research](http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357)

[bib.com/view/issn/2181-](http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357)

[2357](http://journalseeker.researchbib.com/view/issn/2181-2357)



TOGETHER WE REACH THE GOAL

**SJIF 2023:5,971**

[http://sjifactor.com/passp](http://sjifactor.com/passport.php?id=21994)

[ort.php?id=21994](http://sjifactor.com/passport.php?id=21994)

Зарегистрирован в Агентстве информации и массовых коммуникаций при Администрации

Президента Республики Узбекистан.

Регистрации № 1189 от 17-06-2021.

Журнал «Международный журнал теоретических и практических исследований» включен в Crossref, OpenAIRE, Google Scholar.

*Импакт-факторы журнала: 2021 Evaluation Pending*



Тип лицензии CC поддерживаемый журналом: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0).

В журнале рассматриваются вопросы развития мировой и региональной науки и практики. Для ученых, преподавателей, докторантов, студентов.

Международный журнал теоретических и практических исследований. 2023. Т. 3. №3.

ISSN 2181-2357



9 772181 235007 >

©ООО «Al-Ferganus»,  
2023, Фергана, Узбекистан



License type supported CC: Attribution 4.0 International (CC BY 4.0)



## TABLE OF CONTENTS

<b><i>Iqtisodiy fanlar / Economic Sciences/ Экономические науки</i></b>		
1.	<b>Erkaboyev, Sanjarbek Odiljonovich,</b> <i>Public financial control in the public financial management system: an analysis of the European experience</i>	6
2.	<b>Israilova, Maksuda Valerievna</b> <i>An alternative approach to assessing the competitiveness of textile industry clusters</i>	19
3.	<b>Abduraxmanova, Shoxida Ravshanovna</b> <i>Strategies for increasing of the textile industry in Uzbekistan</i>	31
4.	<b>Butaboev, Makhammadjon</b> <i>Risk management mechanisms in industries and spheres of the digital economy</i>	40
5.	<b>Dehqonov, Nuriddin Muhammadaliyevich</b> <i>Advance proposals formed on the basis of public opinion in regions</i>	55
6.	<b>Tukhtasinova, Dildorakhon</b> <i>Improvement of the innovation management system at textile industry enterprises</i>	63
7.	<b>Uzganbayeva Dilnoza, Nazarova, Latofat, Gaybullaeva, Gulbakhor</b> <i>Some problems of forming a modern innovative system</i>	71
<b><i>Pedagogika fanlari / Pedagogical Sciences / Педагогические науки</i></b>		
8.	<b>Usmanova, Zulfiya Musaevna</b> <i>Impact of art literature on personality education</i>	84
<b><i>Filologiya fanlari /Philological Sciences / Филологические науки</i></b>		
9.	<b>Urmonova, Maftunakhon, Mirzayeva, Dilshoda</b> <i>Determination of the concept of “intelligence and unintelligence” in English and Uzbek proverbs</i>	91
<b><i>Qisqa xabarlar / Краткие сообщения / Short messages</i></b>		
10.	<b>Bun, Anna</b> <b>Valevataya, Victoria Sergeevna, Kalyukh, Tatiana Vadimovna</b> <i>Development of ESG-audit in the context of the concept sustainable development</i>	97
11.	<b>Dehqonov, Nuriddin Muhammadaliyevich</b> <i>Promotion of proposals and triage of activities formed on the basis of public opinion in the regions</i>	101
<b><i>E'lon / Reklama / Advertisement</i></b>		
	<i>Advertisement</i>	105
	<i>Our publications</i>	115

QR CODE of this issue of the magazine

<https://dx.doi.org/>



**Citation:**

Butaboev, M. (2023). Risk management mechanisms in industries and spheres of the digital economy. *SJ International journal of theoretical and practical research*, 3 (03), 40-54.

Бутабоев, М. (2023). Рақамли иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида рискларни бошқариш механизмлари. *Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali*, 3 (03), 40-54.

**Doi:**

<https://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7835393>



**Butaboev, Makhhammadjon**

*Professor, department  
"Economics", Doctor of Economics  
Fergana Polytechnic Institute*

UDC 657.6

## RISK MANAGEMENT MECHANISMS IN INDUSTRIES AND SPHERES OF THE DIGITAL ECONOMY

**Abstract.** *This article is aimed at studying and analyzing the impact of digitalization of the economy on risk management mechanisms in industries and industries, and examines these aspects using system, factor and comparative analysis, information processing methods. The conditions of digital transformation of economic processes today require special attention to the problem of risk management of economic entities. The activity of any enterprise is associated with various risks that arise in connection with investments, industry, production and other activities. This, in turn, is part of the organization's management system, which helps to achieve the effectiveness of joint activities, prevents erroneous decisions, and reduces the risk of negative consequences. The article conducts research on improving the efficiency of activities in organizations through the use of the concept of risk management, strengthening competitive positions using the capabilities of digital technologies.*

**Keywords:** *digital economy; risk; risks of industries; IT technologies; digital transformation.*

**Бутабоев, Махаммаджон**

*«Иқтисодиёт» кафедраси профессори, и.ф.д.  
Фаргона Политехника Институту*

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАРМОҚ ВА СОҲАЛАРИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ





**Аннотация.** Ушбу мақолада иқтисодий тармоқлар ва соҳаларда рискларни бошқариш механизмлари таъсирини ўрганиш ва таҳлил этиш мақсад этиб олинган бўлиб ушбу жиҳатлар тизимли, омили ва қийматли таҳлил, ахборотни қайта ишлашнинг усуллари ёрдамида кўриб чиқилади. Бугунги кундаги иқтисодий жараёнларнинг рақамли трансформацияси шароити, хўжалик юритувчи субъектларнинг рискларини бошқариш муаммосига алоҳида эътибор беришни талаб этмоқда. Ҳар қандай корхона фаолияти инвестиция, саноат, ишлаб чиқариш ва бошқа фаолият турлари туфайли юзага келадиган турли хил рисклар ва хатарлар билан боғлиқдир. Бу ўз навбатида ташиқлотни бошқариш тизимининг бир қисмидир ҳисобланади ҳамда фаолият самарадорлигига эришишга ёрдам беради, нотўғри қарорлар қабул қилинишини олдини олади, салбий оқибатларнинг хавфини камайтиради. Мақолада ташиқлотларда рискларни бошқариш концепциясидан фойдаланиш орқали фаолият самарадорлигини ошириш, рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда рақобат позицияларни мустаҳкамлаш бўйича ўрганишлар олиб борилди.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодий; риск; тармоқлар рисклари; ИТ технологиялари; рақамли трансформация.

**Бутабоев, Махаммаджон Туйчиевич**  
Профессор кафедр «Экономика», д.э.н.  
Ферганский политехнический институт

## МЕХАНИЗМЫ УПРАВЛЕНИЯ РИСКАМИ В ОТРАСЛЯХ И СФЕРАХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

**Аннотация.** Данная статья направлена на изучение и анализ влияния цифровизации экономики на механизмы управления рисками в отраслях и производствах, и рассматривает эти аспекты с использованием системного, факторного и сравнительного анализа, методов обработки информации. Условия цифровой трансформации экономических процессов сегодня требуют особого внимания к проблеме управления рисками хозяйствующих субъектов. Деятельность любого предприятия связана с различными рисками, которые возникают в связи с инвестициями, промышленностью, производством и другими видами деятельности. Это, в свою очередь, является частью системы управления организацией, которая помогает достичь эффективности совместной деятельности, предотвращает принятие ошибочных решений, снижает риск негативных последствий. В статье проведены исследования по повышению эффективности деятельности в организациях за счет использования концепции управления рисками, укрепления конкурентных позиций с использованием возможностей цифровых технологий.

**Ключевые слова:** цифровая экономика; риск; риски отраслей; ИТ-технологии; цифровая трансформация.

Кириш





Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнида билимларимиз маънавий амартизацияга учрайди, натижада билимларимиз қисман фойдалилик аҳамиятини йўқотади. Ахборотлашган жамият, интернет иқтисодиёти рақамли иқтисодиётдан 20-30 йиллар олдин шаклланган бўлиб 3-нчи саноат инқилоби, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг рақамлашиши учун илмий-техник ва иқтисодий фундамент яратди. Бутун жамият рақамли иқтисодиёт олдида, реал ҳақиқат олдида таажжубда қолишди, чунки анъанавий иқтисодиётнинг қонун ва катигориялари янги шароитда ишламай қолди ёки бутунлай қарама-қарши ғояларни илгари сурди. Меткалф ва Гилдер қонунига биноан ижтимоий-иқтисодий жараёнларни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш давридан аввал маълум бўлмаган хавф-хатарлар вужудга келади. Қонунчилигимиз ривожланмаганлиги, ахборот оқимининг кўплиги, рақамли технологияларга боғлиқ бўлиб қолишимиз, ходимларни рақамли саводхонлигини қониқарсизлиги оқибатида Янги рисклар кўпайиб боради. Рақамли иқтисодиётда тўла ноаниқлик ҳукмронлик қилади. Анъанавий иқтисодиётда рискларни математик моделлаштириш, эконометрик баҳолаш усуллари ёрдамида бошқариш эди. Рақамли иқтисодиёт шароитида рискларни аниқлаш, баҳолаш, юмшатиш, суғурталашда бутунлай янги “риск диагностикаси”ни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Рақамли рискларни аниқлаш, баҳолаш, уларни классификация қилишда ва бартараф этишда рискларни алгоритмлаш риск ҳолатларни биометрик усулда бартараф этиш ва энг муҳими саноат тармоқларида рискларнинг бошқаришни матрицали методи ҳамда ахборот рискларини идентификация қилишда Машина интеллектдан фойдаланиш Ўзбекистон учун катта имконият.

### **Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили**

Рискларни пайдо бўлиши ва бошқа турдаги рисклар билан кўшилиб кетиши асосида рискларни бошқариш алгоритмини ишлаб чиққан ва иқтисодиётга қўллаган мутахассислар Л.Фридман, Б. Веллман, С.Берковиц ва АҚШлик таниқли олим А.Норман, Г.Малган, Intel инженери Г.Мур ўз асарлари орқали машхурдирлар. Рақамли рискларни классификация қилиш ва баҳолаш услубиётини асослаб беришган экспертчи олимлар Роберт Аткинсон ва Ствен Хокинглар кўпчиликлари маълум. Рақамли иқтисодиётда рискларни баҳолаш, суғурталаш, бошқариш, зарарсизлантириш рискларни алгоритмлаш ва баҳолаш бўйича рус олимлари М.К. Черняков, С.В. Новиков, Д.Мошелла, В.И. Чистяковлар тадқиқотлар олиб боришган. Ўзбек олимлари ҳам бу соҳада катта илмий ишларни амалга оширишган, хусусан С.С.Гуломов, К.Шарипов, М.Абдуллаев ва Н.М.Махмудов илмий асарлар ва монографиялар нашр қилишган.

Риск — бу бўлиши мумкин бўлган, ўлчанадиган кўнгилсиз ҳолатлар бўлиб натижада даромад йўқотиш, товон тўлаш билан яқунланади. Масалан, ноаниқлик, ностандарт форс-мажор вазиятда баҳони тушиб кетиши сабабли кутилган фойдани бир қисмини ололмасликни билдиради. Бу ҳолатда ноаниқлик ёки ахборотни тўла эмаслиги, маълумотни тўла ўрганилмаганлик тажрибасизлик оқибатида қарор қабул қилиш бўлади. Риск ноаниқлик вазиятда вужудга келади, натижада ҳаражат кўпаяди, иш вақти йўқотилади, фойда камайиб кетади. Бундай ҳолатлар тадбиркорни тажрибасизлиги, бошқарув компетентлиги етарли эмаслиги билан





боғлиқ бўлади. Ахборотлашган жамиятда катта ҳажмдаги маълумотлар технологияси WEB Miningдан фойдаланиб маълумотларни тўла таҳлил қилиб, ноаниқлик ҳолати ўрганилади, риск эҳтимоли бартараф этилади ва фирма кутилган натижага эришади.

Рискларни бошқариш методлари[1]:

- Рискдан қочиш;
- Рискни зарарсизлантириш;
- Риск фондлар яратиш, риск келтирган зарарни қоплаш;
- Рискни ҳамкорларга узатиш юбориш;
- Рискларни кўчириш ва бўлиб ташлаш;

### Рисклар тури

Рақамли технологиялар ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларига кириб келмоқда. Янги соҳалар вужудга келмоқда, ходимлар карьера қилмоқдалар. Лекин дунёни ноаниқлик қўрқитмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётида фаолият юритаётган хўжалик субъектлари компьютер технологиялар хизматидан фойдаланадилар. Компьютер технологиялари билан боғлиқ 3 хил турдаги Киберрисклар ахборот рисклар техник компьютер рисклар, ҳозирги вақтда жуда тез кўпайиб бормоқда. Корхоналар, ташкилотлар ва компанияларнинг рисклардан келаётган иқтисодий зарарлари 6-8 трлн долларга баҳоланмоқда.

Риск- бу бизнес, Бизнес- бу риск

Бозор – бу рақобат, сотувчилар, мижозлар ўртасидаги савдо муносабатлари. Маркетинг хизматлари амал қилади. Компаниялар технологиялар ёрдамида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Малакали кадрлар етишмайди.

Экотизимлар: Молия, валюта, ҳамкорлар, таъминотчилар ва соҳалар. Интернет – бу одамлар, маълумотлар, зарарли дастурлар, фрибгарлар, таъмагирлар, парол бузувчилар, маълумот ўғрилари, вирус тарқатувчилардир.

АКТ- бу тезкорлик, ишончилилик, сифат ва маълумотларга уланиш ва узатиш имконияти.

Бу жараёнларда турли хил рисклар тобора кўпаймоқда. Рақамли дунё тўла ноаниқликда яшамоқда.

Рискни аниқлаш, бошқариш, баҳолаш, юмшатиш, суғурталаш мумкин, лекин рискни йўқ қилиб юбориш имконсиз. Риск ва бизнес медални икки томони.

Кибер рисклар –корхона фаолиятига жисмоний шахс томонидан (дастурчи томонидан) қилинган мақсадли атака бўлиб, иқтисодий зарар етказди.

**Кибер риск** турли туман бўлади, уларни ҳар бирига қарши алоҳида тактика қўллаш керак. Чунки риск атамаси кўп маъноли, риск ҳолатда корхона ўз даромадини йўқотиши ёки сақлаб қолиши мумкин.

**Рақамли риск** ходимни тажрибасизлигидан рақамли сигналларни, маълумотларни, рақамларни тўла тушунмаслигидан, компьютер саводхонлигини қониқарсизлигидан келиб чиқадиган, атайлаб, қастдан ўйлаб қилинмаган рискдир.

**Ахборот rischi** – бу кўп ҳолларда ахборот оқимини кўплиги, билимларимизни етарли эмаслиги. Яна бир томондан бизни жуда мураккаб ахборот технологияларига боғлиқ бўлганимиздан рисклар келиб чиқади.



Хозир дунёда 48-50 зитта байт маълумотлар мавжуд бўлиб уларнинг 20% ини биз биламиз, 80% и бизга номаълум бўлиб ҳар бир фуқарога 250-260 м/б.с маълумот тўғри келмоқда. Хозирча инсоният маълумот ва рақамларни бир-биридан тўла фарқлай олмаяпти шу боис ахборот rischi-энг ҳавфли рискдир.

**Кибер риск таркибига** – пул, интеллектуал мулк, тижорат сири, маълумотлар даҳилсизлигини ўғирлашлар киради. Шу билан бирга маълумот ва паролни бузиш, маълумотларни ўғирлаш, улардан ёмон мақсадда фойдаланиш. Фрибгарлик, шахсий маълумотларни сохталаштириш, корхона фаолиятини шубхали вазиятга солиш. Корхона фаолиятига ноқонуний аралаштириш, мененжерларга босим ўтказиш, қимматли маълумотларни ўғирлайди. Хаккерлар ёллаб корхона маълумотларини бузади, қалбакилаштиради.

Хозирги вақтда Кибер атакалар ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Кибер атакаларни АКТ мутахасислар маслаҳатлари ва аралашувлари ёрдамида ҳам амалга оширилмоқда. Yahoo Сония, Ashley Madison, Рус метал, Себербанк каби ташкилотлар бунинг оқибатида зарар кўришди. Европа корхоналари билан ҳамкорлик қилаётган Россия компаниялари ўртасидаги ҳисоб-китобларни (ҳамкор ҳоҳшига қараб) биткоинда бажардилар. Хозирча криптовалюта биткоинни банк ёки молия органлари назорат қила олмайди, шундан фойдаланиб ёлгон тўловларни амалга оширган. Катта иқтисодий зарар бўлган корхоналар кибер рисклардан безор бўлишиб, кибер атакага қарши маълумотлар матричасини тузишди ва натижада катта ютуқларга эришишди. Эндиликда корхона веб-сайтини бузиб маълумот ўғирлаш 50 % га қисқарди. Корхона алоқа линиясини биометрик тизимга ўтказилди. Бунин натижасида (биометрик ҳимоя) Amazon, Akamai, Газпром, Рус стал компаниялари DDOS атакаларга бардош бермоқдалар.

Microsoft ни Windows тизими ўзининг Microsoft Risk лойихасини ишлаб чиқди, лойиха биометрик маълумотлар асосида ҳимоя усулида иш олиб боради.

Биометрик ҳимоя усули деганда бирон-бир ташки, бегона шахс корхона маълумотига руҳсатсиз кирмоқчи бўлса, буни ижтимоий тармоқ орқали амалга ошириш керак бўлади. Бу албатта иложсиз.

Ўзбекистон амалиётида ҳам давлат ва хусусий ҳамкорлик асосида, корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг маълумотларини Киберрисклардан тўла ҳимоя қилиш мақсадида матрица ҳимояси тузилмоқда.

Матрицанинг мақсади ҳар қандай турдаги рискнинг олдиндан кўра билиш ва уни зарарсизлантиришдир.

Рискларни пайдо бўлиш манбаларни аниқлашда, рискни баҳолашда унинг зарарсизлантиришда ким жавобгар операторми, акт мутахасисими, директорлар кенгашиими ёки ахборот хизматими? Бу саволга матрица жавоб беради холанг-ки, жуда кўплаб иқтисодий, молиявий, экологик, ижтимоий ва эконометрик моделлар ҳам рисклар олдида ожиз.

Ҳозирча рискларни алгоритмлаш ҳам рискларни тўхтата олмаяпти. Рискларни суғурталаш жуда фойдали бўлса ҳам иқтисодий зарарлар бўлмоқда.

Матрица XXI аср иқтисодиётини асосига айланади.

Bigdata+Махсус компьютерлар +булут иқтисодиёти = Машина интеллекти





Сунъий интеллектдан хотираси юқори бўлиб 1 трлн. хужайралар, нейронлар жамланган.

Bigdata бу кучли хисоблаш технологияларга асосланади ва ярим ўтказгичлар ишлаб чиқариш компанияси Nvidia процессорлар қуввати квант хисоблаш техникасига яқин. Махсус компьютерлар Бу ерда инсон юзлари, маълумоти, тиллар таржимаси ва биометрик маълумотлар жамланган.

Рискларни матрицали диагностикаси деганда хавфни бошқариш эмас, балки хавф остида бўлган ёки хавф туғдирадиган объектларда юзага келадиган зарарни баҳолаш ва уни олдини олишдир.

Риск хавфи, риск манбалари, бу корхонанинг ички ва ташқи муҳитида содир бўлади.

Ташқий глобал миқёсидаги хавфларни келтириб чиқаради. Техноген офатлар, табиий офатлар бўлиши мумкин.

Ички бу корхонанинг бошқа хўжалик субъектлари (хом-ашё етказиб берувчилар, рақобатчилар, банклар, суғурта, солиқ ва б.) билан ўзаро мунаоабатларида вужудга келувчи хавфлар.

Рискларни самарали баҳолаш дастурлари қуйидагилар [2]:

Risky Project(Риск лойиха)

Welcom Risk(Рискка хуш келибсиз)

Pert Master(Перт устаси)

Microsoft Project(Макрософт лойихаси).

Шу дастурлардан фойдаланиб, рискларни гуруҳларга ажратиш ва реестрни тузиш мумкин.

Дунё бўйлаб ижтимоий ва иқтисодий соҳа ва тармоқларда рискли ҳолатларни вужудга келтирувчи омилларнинг энг кўп тарқалгани қуйидагилар [3]:

1. Ransomware (тўлов дастури);
2. Phishing (фишинг);
3. Scamming (фирибгарлик);
4. Crypto jacking (нусха кўчириш);
5. Password attack (паролга хужум);
6. Insider threat (ички таҳдид);
7. Spamming (спам юбориш).

Булардан ташқари маълумотларни ишдан чиқариш маълумотларни бузиш, ўзгартириб юбориш учун дастурчилар бир нечта вирусларни яратдилар.

Троянлар вируси одатда интернет орқали тарқалади ва компьютерингизга ўрнашиб олади ва дастлаб сизга фойдали дастурдек туюлади. Аммо ўзларининг яратувчисига хизмат қилади.

Чувалчанг вируси у жуда тез кўпаяди. Вируслар электрон хатлар ёки бошқа тез тарқалувчи механизмлардан фойдаланади. Вируслар компьютерингиздаги электрон хатни очишингизда ўрнашиб олади.

Диск вируслар компьютерингизни очишингиз билан компьютерингиз ишламай қолади.

Марко вируслар улар одатда Microsoft Word ёки Excel хужжатларни зарарлайди, бузади ва ишдан чиқаради.





Оператив хотирада яшовчи вируслар. Бу вируслар компьютерингизнинг оператив хотирасида яшайди ва муълумотларни бузади. Буни ишга тушириш учун бошқа вирусдан фойдаланади. Ишга тушириш учун ёрдам берган вирус йўқотилса ҳам у компьютер хотирасида қолади, шунинг учун унга оператив вирус дейилади.

Bootkit вируслар ўзларининг энг хавфлилиги ва яширинишга усталиги билан ажралиб туради. Бу вирусни антивирус дастури ҳам билмайди. Чунки бу вируслар ўзларининг оператив тизим файллари сифатида кўрсатишади.

Вақт бомбаси вируслари вақти келганда тасодифан ишга тушади. Масалан 1 апрелда (кулги кунида), 8 мартда ёки байрамларда компьютерингиздаги маълумотларни ўчириб ташлаб сизга “совға” тайёрлайди.

Ўзгарувчан вируслар ўз-ўзидан кўпаяди ва кодларни ўзгартириб юборади. Бу вирусларни антивирус дастурлар пайқаб қололмайди. Бу юқоридаги вируслар маълумотлар базасини бузади, кодларни чалкаштириб юборади. Натижада компаниялар (фирмалар) зарар кўришади.

Иқлим ўзгариши оқибатида фермерларнинг ҳосилни йўқотиш risksидан ҳимоя қилишни тавсия қилган рус эксперти Е.Скворцов ва қишлоқ хўжалигида аграр risksларни мониторинг қилиш асосида суғурта қилиш бўйича К.Меняев, Ўзбекистон иқтисодиётида содир бўлаётган риск индикаторлари ва уларнинг иқтисодий ўсишга таъсирини таҳлил қилган мутахасис олимлар Т.Ш.Шодиев, Н.М.Махмудов ва А.В.Ваҳобовлардир.

Давос шаҳрида 2017 йил Халқаро иқтисодий форум бўлиб, “The Global Risks Report” унда йиллик ҳисоботи эшитилди. Ҳисоботни тайёрлаш вақтида 750та экспертчиларнинг иқтисодиётда 30 та кенг тарқалган глобал risksлар тўғрисидаги фикрлари ўрганилди ва рақамли иқтисодиёт ривожланишида risksларни баҳолаш, уларнинг бошқаришда рақамли технологиялар Bigdata, булутли технологиялар, буюмлар интернет ва сунъий интеллект технологиялардан фойдаланиш тавсия этилди. Айниқса, иқтисодиётда, электрон бизнес ва электрон тижоратда атроф-муҳитни ҳимоя қилишда, анъанавий иқтисодиётдан risksларни бошқариш методларидан, бозор механизмларидан воз кечиш ва IT технологияларидан фойдаланиш ўта аҳамиятли эканлиги тўғрисида изоҳ берилди. Молия ва иқтисодий risksлар умумий бўлиб, улар билан иқтисодчилар, молиячилар, социологлар, математик-эҳтимолчилар, файласуфлар ва экологлар шуғулланган бўлсада, уларнинг методикалари, дунё қарашлари рақамли иқтисодиётда ўз аҳамиятини йўқотди.

Ахборотлашган жамиятда тубдан янги атамалар, тушунчалар, муносабатлар, билимлар шаклланди. Адам Смит ҳам тадбиркорлик фойдаси моҳиятини ўрганганида, риск учун тўловлар фондиди захиралаш зарурлигини белгилаган. Кейинчалик молия ва иқтисодий risksларни уч шаклга бўлишган:

- Пулнинг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ риск;
- Капитал қўйилмалар, инвестициялар билан боғлиқ риск;
- Хўжалик юритиш шакллари билан боғлиқ риск.

Пулнинг сотиб олиш қобилияти билан боғлиқ risksлар инфляция, ишсизлик ва валюта курси risksларидир. Шу билан бирга кредит risksлар ва ҳоказо ўрганилган. Юқоридаги ҳолатлар бўйича риск омиллари таҳлил қилинади,





ноаниклик шароитида омилларни риск эҳтимолига таъсири, рискларни вужудга келиши ва рискдан келган зарар ўрганилади, баҳоланади. Шундай қилиб ишлаб чиқариш жараёнида ходимлар ўртасида меҳнат интизомини бузилиши, иш вақтини йўқотилиши ходимлар билан менежер ўртасида конфликтни пайдо бўлиши, жарималар тўлаш ва корхонада кутилаётган фойдани йўқотилиши содир бўлган.

Рискни олдини олиш учун перфекционизм – иш жараёнида ўзини-ўзи бошқариш тизимини қўллаган MacDonaldis бизнесда янги маҳсулот, идеал хизмат, идеал сайт, идеал тизим, идеал реклама ва идеал интернет портал яратди ва иш вақти фондини йўқолиши рискни олдини олди. Компания савдони 72 қондасини ишлаб чиқди ва рискни самарали бошқарди. MacDonaldis компанияси биринчилардан бўлиб ходимлар ичида “ўғри ходимни” аниқлади. Компанияда 1 соат ишчи вақти “ўғирланса”, у қанча сўмга тушади? Масалан, 1 та ходим 3м<sup>2</sup> жойни эгалласа, унда офисни умумий ҳажми ва аренда баҳосини ҳисобласак. 3 миллион сўм маош оладиган ходим компания учун 3,2-3,5 млн. сўмга тушади. Ходимнинг бир соат иш вақти компанияга қанчага тушишини ҳисобланг: 3,5 млн. сўм бир ойда 25 кун иш куни. Ходим ўз вазифасини тўла бажармаяпти ва ҳар соатда ходим компаниядан ўртача 2,5 минг сўм “ўғирлаган” буни у доим такрорлаган.

Ходим ўртача бир кунда 8 соат ишласа ва чекиш учун танаффус, шериги билан гаплашиш, телефонга жавоб бериш, On-line ўйинлар кўриш, ҳожатга бориш ва ҳоказолар бўлиб ходим компаниянинг 17 минут иш фондини “ўғирляпти”. Ҳамма ходимлар қанча иш вақтини ўғирляпти. Бу ҳолатни қандай тўхтатиш мумкин? Рақамли технологиялар буни ечимини топди. Компания дастурчи – оператори яратган “Электрон калькулятор” ходимларни 8 соатлик тўла иш вақтини назорат қилади ва меҳнат интизомини бузганлар учун жарималар белгиланди. Ходимлар учун электрон дневник юритилади. Бу усулни Дж.Элекрик, Дж.Матрос, Тайота компаниялари қўлламоқда. Интернет тармоқлари ва ахборот технологиялари таъсирида замонавий бозор муносабатлари тубдан ўзгариб кетди. Электрон бизнес ва электрон тижорат бозор механизмларини мутлоқ янгиллаб виртуал маконларда, интернет таъсирида йирик ва барқарор савдони ривожлантириб юборди. Масалан, Амазон ва Алибаба компаниялари мисолида кўришимиз мумкин [4].

Буюмлар интернет таъсири остида Алибаба глобал электрон бозор ташкил этди ва чакана савдода айланмаси бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Савдо тушумларида савдо майдончасида ҳамма бир хил операцияни турли ҳаражатлар билан бажарсаларда рискларни жиловлади. Рақамли иқтисодиётда савдо агентлари виртуал маконларда On-line режимида рақамли сотувчи ва рақамли истеъмолчи маконида масофадан савдо қиладилар. Истеъмолчилар савдо брендларига қизиқишади. On-line ахборотларни кенг ва чуқур ўрганишади. Натижада ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи сотувчи ва миждоз ўртасидаги муносабатлар ҳамкорликка айланади. Рақамли истеъмолчилар товар ва хизматларни сотиб олади ва сотишади.

Ҳар олтинчи америкалик фуқаролар товарларни сотиб олади ва сотади. Америкалик 30-40 ёшдагилар ҳар куни интернетга кирадилар ва савдо-сотик қилишади. Минглаб турли хил товарларни баҳолари ўрганилади ва уларни сотиб





олишади. Ҳам сотишади. Шунингдек, On-line тўловларни амалга оширади. Ушбу ҳолатда “электрон бозорда” (С2С, В2В бизнес моделлар) ривожланади.

Саноат - 4,0 га бутун дунё саноат корхоналарининг трансформацияси амалга ошаётган бу жараёнда республика саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида юқори технология улуши камлигича сақланиб қолмоқда. Фарғона вилоятида жойлашган йирик ишлаб чиқариш корхоналаридан бири бўлган “Кварц” АЖ да рақамли инфратузилма яратиш борасида бизнес ҳамкорлари билан Германия, Италия, Франция, Хитой ва Россия давлатлари ёрдамида корхона фаолиятига рақамли технологияларни жорий қилинмоқда.

“Кварц” АЖ да рақамли дастурга мувофиқ суткасига қуввати 400 тонна листланган ойна ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги флоат линияси ишга туширилди ва йиллик ойна ишлаб чиқариш ҳажми деярли икки баробар кўпаяди ва 22 миллион квадрат метрга етди. Корхонада рақамли технологияларини жорий қилиш борасида MVP №1 участка, MVP №2 участка, MVP №3 участкаларида EMXART (Германия), ТЕКИНТ (Италия) фирмалари ҳамкорлигида янги махсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада янги касблар вужудга келмоқда: оператор машинист, муҳандис-дастурчи, ақилли ойналар дизайнери, техно-услубчи.

“Кварц” АЖ ўз фаолияти бўйича шиша банка бўйича Республика эҳтиёжларини 95% ини, қурилиш ойнаси бўйича 60%, шиша бутулка бўйича 50 % қондириб келмоқда. Шунингдек , янги рақамли технологияларни жорий қилиш натижасида қуйидаги 21 хил янги махсулотларни ишлаб чиқариш амалга оширилган.

#### **Янги рақамли махсулотлар:**

- Оловга чидамли енгил ғиштлар;
- Фотосуратларни ойнага ва стаканга босиб чиқариш;
- Полиэтилин плёнкалар;
- Полиэтилин пакетлар;
- Шиша буюмлар учун идишлар.

#### **Янги хизматлар:**

- Online логистика;
- Мижозларга электрон хизматлар кўрсатиш;
- Ходимларга виртуал хизматлар кўрсатиш.

Хозирги вақтда “Кварц” АЖ да жами бўлиб 2322 та ходимлар, ишчи хизматчилар ишлашмоқда. Шунингдек олий маълумотли ходимлар 1616 нафар, ўрта маълумотли ходимлар 386 нафар бўлиб ходимларнинг 71% ўз мутахассисликлари бўйича ишлашади. Корхонада бугунги кунда 35 та цех ишлаб турибди, бу цехларнинг 28 таси автоматлаштирилган, бухгалтерия ва молия бўлими тўла компьютерлаштирилган.

Бухгалтерия бўлими учун алоҳида 1 С –платформасида Республикада ягона ўзига хос компьютер дастури ишлаб чиқилган, ҳамда корхонанинг ўзининг сервери бўлиб, унда маълумотлар базаси сақланади. Бугунги кунда “Кварц” АЖ корхонасида рискларни бошқаришнинг электрон дастури ишлаб чиқилмаган. Ишлаб чиқариш, ахборот рисклари, компьютер- техник рискларни ва кибер





рискларни бошқариш бўйича профессионал кадрлар етишмайди. Бу йилги (2023 йил январда ) қишда табиий газ таъминотининг узилиб қолиши оқибатида (цеҳларда маҳсулотлар қотиб қолди) “Кварц” АЖ 65 млрд. сўм зарар кўрди.

“Кварц” АЖ компанияси бир суткада жуда катта (ички ва ташқи) маълумотларни истеъмол қилади, шунинг учун рискларни бошқаришда “Матрица-дионогностика” усулини қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Рискларни “Матрица-дионогностика”си рақамли технологияларга асосланиб, рискни вужудга келтирувчи ички ва ташқи сабабларни зарарсизлантиради.

### Таҳлил ва натижалар

XXI асрда янги рақамли ахборот технологияларининг юқори суръатда ривожланиши бир томондан жуда кўплаб эски ва ўрта касб эгаларининг ишдан бўшаб кетишини вужудга келтирса, иккинчи томондан рақамли иқтисодиёт учун янги профессионал кадрлар тайёрлаш кўрсаткичи ахборот технологияларини ўсиш суръатидан анча орқада қолмоқда. Рақамли иқтисодиёт ходимлардан доим ўз устида ишлаш, малака ошириш, янги билимларни ва касбий компетентликка эришишни талаб қилмоқда. Ахборот технологияларнинг ривожланиши рақамли касб билимларни тез эскиришига олиб келаяпти, рақамли иқтисодиёт ижодий меҳнат иқтисодиёти бўлгани учун ишсизлик rischi доимо хавф солмоқда. Блумберг ва Бостон консалтинг аудит группа мутахассислари хулосасига кўра 2040 йилларга бориб рақамли инқилоб(саноат 4,0) таъсирида дунёда 50 фоиз касбларга талаб бўлмайди. Ишсизлар армиясига минглаб “солдатлар” қўшилиш rischi эшик қоқмоқда. 2020-2023 йилларда %да иқтисодиёт тармоқларида иш жойларининг динамик ўзгаришлари қуйидагича бўлиши мумкин. (1-жадвал)

1-жадвал

### 2020-2023 йилларда %да иқтисодиёт тармоқларида иш жойларининг динамик ўзгаришлари [5].

Big data технологияси маълумоти	кўпайтириш	қисқартириш
Математика ва информатика	4,60	йўқ
Бошқарув ходимлари	1,39	йўқ
Молия таҳлилчилари	1,34	йўқ
Савдо ва савдо аналитиклари	1,25	йўқ
Офис ходимлари		6,06
<b>Буюмлар интернет маълумоти</b>		
Администрация ва дастурчилар	4,54	йўқ
Проектлаш ва инженер таҳлилчи	3,54	йўқ
Техник хизмат кўрсатиш ремонт ва технологияларни ўрнатиш	йўқ	8,0
Ишлаб чиқариш технологиялари ва 3D нашр	йўқ	3,60
Роботлаш ва автоматлаштириш	2,1	йўқ

Консалтинг группа мутахассислари фикрича роботлаштириш ва автоматлаштириш жуда кўп ишсизликни келтириб чиқаради. Экспертлар фикрича бир томондан ишсизлар кўпаяди, иккинчи томондан профессионал кадрларга талаб ошиб кетади.





Янги рақамли технологиялар ҳамма соҳа ва тармоқларда пайдо бўла бошлади, ақлли кассалар, шофёрсиз автомобиллар, учувчи дронлар оқибатида шофёрлар, учувчилар, кассирлар, ҳисобчилар ишсиз қолди, кераксиз одамларни нима қилайлик, фақат қайта ўқитиш касбга тайёрлаш орқали уларни ишга жойлаш мумкин.

